

Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан. Бир кийик бор экан. У кийикнинг тог камарида уяси бор экан. Уясининг ёнида бир терак бор экан. Бир одам келиб шу теракка кади осиб кўйибди. Кади шамолдан кунин тараклаб, тунин тараклаб турар экан. Кади осилган кундан бошлаб кийик уясидан чика олмай колибди. Кийик хар куни аста уясининг оғзига келиб караб, яна кадининг тараклаганини эшишиб, «Мерган бўлса керак» деб кўркиб, уйнинг тўрига кочиб кириб кетар экай. Шундай килиб кийик хафта — ўн кунгача чика олмай, очликдан холи кетиб: «Кел-э, очдан ўлгунча мерган отса хам ёруг дунёни кўриб ўлай» деб, аста уясининг оғзидан чикиб караса, шамолдан дарахтга урилиб тўқ-тўқ этиб турган кади экан. «Эй, бу кади кўпдан бери ишимни килди-ку. Буни теракнинг бошидан олиб тушиб билганимни килай» деб терак бошига чикиб кадини олиб тушибди. Кадини куйругига bogлаб, жони борича чопиб тогу тошларга уриб тараклатибди. Охири ўзи чарчаб: «Энди сени бир бўлдиклатай» деб кадини куйругига махкам bogлаб, булок ёнига келиб секин булокка солибди. Кадининг ичига сув тўлиб, кийикни сув тагига торта бошлабди. Кийик юкорига тортибди. Кийикнинг куйруги шартта узилиб кетибди. Кийик бир чеккага бориб: «Воҳ, менинг куйругим узилмагандা, кади мени сувга чўқтириб ўлдирган бўлар эди. Энди бир нахор килиб олай», деб турганида, ёнига еттита кийик келиб колибди.

— Ха жўра, нимага думинг тўмток бўлди? — дебди. Бу кийик:

— Эй жўралар, бу ўн кун уйимга камаб кўйди. Очликдан ўлиб колай дедим. Ахiri мен уни алдаб кўлга туширдим. Куйругумга bogлаб, токка олиб чикиб тараклатиб юрдим. Кейин сувга олиб тушиб бўлдиклатаман деб, куйругимга bogлаганимча сувга соглан эдим, менга зўрлик килди. «Жон, кадижон, дўстим десам хам кулок солмай, куйругимни юлиб сув тагига тушиб кетди. Шундай килиб, тўмток бўлиб колдим», — дебди.

Жўралари:

— Эй жўра, уни бизларга кўрсат, ундан ўчингни олиб берайлик, — деб булокка караб кетишибди. Юриб-юриб буларнинг олдидан бир хирмон чикиб колибди. Думи тўмток кийик:

— Эй жўралар, менда бир маслахат бор, — дебди.

Жўралари:

— Ха, нима маслахат? — дейишибди. Чўлток кийик:

— Мана шу хирмонни янчиб олиб кетсакчи, — дебди.

Жўралари:

— Эгаси келиб колса, кандай киламиз, — дебди. Чўлток кийик:

— Эгасини мен биламан, унинг уйи олис, — дебди. Жўралари:

— Майли бўлмаса, хўбчи ким бўладн? — дебди. Чўлток кийик:

— Хўбчи мен-да, ўланни яхши биламан, — дебди.

Жўралари чўлток кийикнинг маслахатига кириб, хирмон ёнига келишибди. Чўлток кийик бир-бировини маташтириб boglamokchi бўлибди. Жўралари:

— Эй жўра, бўйнимиздан boglamaisanmi? — дебди. Чўлток кийик:

— Бўйнингиздан boglasam, мерган келиб колса, бўшатгунча отиб кўяди.

Куйрукларингдан boglaiman. Мерган келган вактда ўзи eчилиб кетади, — дебди.

Хаммасиминг куйругидан маташтириб bogлаб, bugdoy xirmoniga solib, ўлан айтиб xайдай bерибди. Бир оз xайдагандан кейин:

— Вой, одам иси келяпти, — дебди. Яна у ёк-бу ёкка караб:— Мерган келиб колди, —

деб туриб кочибди. Буларнинг хаммаси «Мерган келиб колди, — деб бири бу ёкка, бири у ёкка тортиб кочибди. Шундай килиб, кийикларнинг куйруги узилиб, чўлток бўлиб колган экан. Хўбчи кийик кочганича кочиб кетган экан.